



МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “РУУСУЛ-МАСАИЛ” АСАРИ ЯГОНА ҚҮЛЁЗМАСИ ҲАҚИДА

С.Сайджалолов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8103470>

ARTICLE INFO

Received: 24th June 2023

Accepted: 29th June 2023

Online: 30th June 2023

KEY WORDS

Нўъмон ибн Собит, Маҳмуд Замахшарий, Яъқуб ибн Иброҳим, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис Шофеий, Руус ал-масаил, Тож ат-тарожсум, ал-Аълам.

ABSTRACT

Маҳмуд Замахшарий Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан буюк муфассир, мутакаллим, фақиҳ. Мовароуннаҳрда илмий, маданий ва иқтисодий ҳолат таназзулга тушиб қолган пайтда Маҳмуд Замахшарий фидоий олимлар билан илмни жонлантиришга ва қайта тиклашга хизмат қилган. Унинг ўнта асари ҳозирги кунда маълум бўлиб, бу асарлар устида илмий тадқиқотлар тўхтовсиз давом этиб келмоқда.

“Руус ал-масаил” қўлёзмаси 106 варак, 212 бетдан иборат. Ҳар бир саҳифа 11-17 сатрдан, ҳар бир сатр 7-15 сўздан ташкил топган. Қўлёзма муаллиф вафотидан 39 йил ўтиб, 576 ҳажрий сананинг Ражаб ойида ёзиб тугалланган. Милодий 1180 йилга тўғри келади. Асар насх хатида тушунарли ва равон ёзилган. Қўлёзманинг 210 бетида котиб ҳақида маълумот бор: “Таммат Руус ал-масаил биҳамдиллаҳи, вақаъа ал-Фирӯзу фий шаҳриллаҳи ал-АЗИЙМ ражаб фий охир аз-зухри фий санати сitttin ва сабъийн ва сitttin мин ҳижрат ан-набиийи солла Аллоҳу алайҳи, соҳибуҳу Шиблӣ Абдурраҳмон Жандар Айюб. Ғаффар Аллоҳу лаҳум ажмаъийн ва солла Аллоҳу ала Муҳаммад ва олиҳи”¹ – “Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, “Руус ал-масаил” ёзиб тугатилди. Унинг ёзиб тугатилиши Аллоҳнинг улуғ шаҳри Ражаб ойи пешиннинг охирида Пайғамбар алайҳиссалом ҳижратидан 576 йил ўтганига тўғри келди. Ёзув соҳиби Шиблӣ Абдурраҳмон Жандар ибн Айюбдир. Уларнинг барчаларини Аллоҳ мағфират қилсин ва Пайғамбар алайҳиссалом ва ул зотнинг яқинларига Аллоҳ салавоти бўлсин”.

Қўлёзманинг 211-212 бетларида китобнинг мундарижаси қайд этилган. Мундарижада асарда зикр қилинган китоблар рўйхати берилган. Уларнинг қайси саҳифадан бошланиши ҳақида маълумот йўқ. 211-бетда икки қаторда 9 тадан 18 та китоб рўйхати ёзилган. 212-бетда уч қаторда 8 тадан 24 китоб рўйхати қайд этилган. Қўлёзманинг охирги жумласи эътиборли: “Ҳаза Руус ал-масаил хилафия байна Абу Ҳанифата ваш-Шафиий раҳматуллоҳи алайҳима” – “Бу Абу Ҳанифа ва Шофеий

¹ Makhmud az-Zamakhshary. Ruus al-masail. Chester Beatty Library. CBL AR 3600. – Б.210.



үрталаидаги ихтилофли бўлган асосий масалалардир.” “Руус ал-масаил” ислом ҳуқуқига оид 42 соҳага тегишли 406 масалани қамраб олади².

“Руус ал-масаил” муқаддимасиз бошланган. “Басмала”дан сўнг дуога қуйидаги дуо зикр қилинади: “Таваккалту алал-ҳайй ал-лазий ла ямуту” – “Доимо тирик бўлган зотга таваккул қилдим”. Қўлёзма “Басмала” ва “Дуо”дан сўнг “Изала ан-нажаса билмайиъат” – “Нопокликларни суюқликлар билан кетказиш” жумлалари билан ва қўлёзмадан жой олган дастлабки китоб “Таҳорат китоби” масалаларини қайд этиш бошланади³. Хаттот 42 китобнинг барчасини номини зикр қилган. Аммо қўлёзманинг бошида “Таҳорат китоби” деган ёзув учрамайди⁴. 406 масаланинг деярли барчаси “Масала” сўзи билан бўлинган. Лекин қўлёзманинг бошида мазкур бўлувчи сўз ёзилмаган. Буни муаллиф ёки хаттотнинг ўзига хос услуги дея баҳолаш мумкин. Ёки қўлёзмани кўчириш шошилинч бошланган, деган хулосага келиш ўринли.

Честер Бити №3600 “Руус ал-масил” қўлёзмасининг пдф шакли 114 варақдан иборат. Ҳар варақقا икки саҳифа ёнма-ён жойлаштирилган. Кириш қисмида қўлёзма 106 варақ экани таъкидланади. Қўлёзманинг пдф нусхасида “Руусул-масаил”нинг 10 саҳифаси (микрофильмнинг 14 саҳифаси) икки марта тақдим қилинган. Микрофильмнинг 14 ва 15 саҳифасида қўлёзманинг 10 саҳифаси икки марта ёзилган. Худди шундай қўлёзманинг 44 саҳифаси (микрофильмнинг 48 саҳифаси) ҳам икки марта тақдим қилинган. Микрофильмнинг 48 ва 49 саҳифасидан қўлёзманинг 44 саҳифаси икки марта ўрин олган. Қўлёзманинг 79 саҳифасида ҳам шу ҳолат кузатилади. Микрофильмда мазкур саҳифа икки марта 83 ва 84 саҳифаларда тақрорланади. Такрор саҳифаларнинг умумий сони 3 та: 10, 44 ва 79 саҳифалар. Қўлёзмани синчиклаб ўрганмаган инсон унинг саҳифалари сонида адашиши табиий⁵.

Қўлёзмани ўрганишда дастлаб эътиборни тортадиган ҳолат айрим сўзларни чўзиқ унли билан ҳамда чўзиқ унлисиз турлича ёзилишидир. Масалан, “Шофейй” сўзи қўлёзмада уч хил шаклда ёзилган⁶. Бу ҳолатни хаттотнинг саводи билан эмас, балки ўзига хос ёндашуви билан изоҳлаш мумкин. Абдулҳалим Муҳаммад ва Абдулла Назир Аҳмад ҳам бу масалага эътибор қаратганлар⁷.

Бундан “Руус ал-масаил” алломанинг кексалик чоғида ёзилган деган хулоса келиб чиқади. Қўлёзманинг 406 масаласида ёндашувда яхлитлик бор. Деярли барча масалада Замахшарий ҳанафийлар қарашларини “Бизнинг наздимизда” дея изоҳлайди. Шофеййларнинг қарашларини “Шофейй айтади” дея баён қилади. Аммо фиқҳий ҳукмларга далил келтиришда айрим масалаларда фарқ сезилади. Деярли барча

² Ўша манба.-Б. 212

³ Маҳмуд Замахшарий. Руус ал-масаил ал-хилафия байна ал-ҳанафия ваш-шафиия. –Байрут: Дар ал-башаир ал-исламия, 1987. – 616 б.

⁴ Абдулҳалим ибн Муҳаммад. Маҳмуд Замахшарийнинг “Руусул-масаил” асарининг танқидий матни. Сент-Андрюс университети (Шотландия), 1977. 550 б.

⁵ Makhmud az-Zamakhshary. Ruus al-masail. Chester Beatty Library. CBL AR 3600.

⁶ Абдулҳалим ибн Муҳаммад. Маҳмуд Замахшарийнинг “Руусул-масаил” асарининг танқидий матни. Сент-Андрюс университети (Шотландия), 1977. –Б.2

⁷ Маҳмуд Замахшарий. Руус ал-масаил ал-хилафия байна ал-ҳанафия ваш-шафиия. –Байрут: Дар ал-башаир ал-исламия, 1987. – Б.82.



масалада икки мазҳаб қарашлари Қуръони карим ояти ёки ҳадислар ёхуд ақлий-қиёсий далил билан асосланади. Аммо айрим масалаларда далиллар зикри учрамайди. Бу асардаги масалаларнинг оз қисмида учраса-да бу ҳолатни муаллифнинг кексалиги сабаб далилни айтмаганида ёки асарни ўзи ёзмай имло қилдирганида деб изоҳлаш мумкин. Муаллиф оғзидан асар ёзиб олинганида мукаммалликка эришиши душвор. Бу ёзиб олувчининг маҳоритига, ёдлаш ва чиройли ҳамда тез ёзишига боғлиқдир. Мазкур таҳлилий фикрлар алломанинг “Руус ал-масаил” асари умрининг охирларида ёзилган деяган хulosани қувватлайди. Маҳмуд Замахшарийнинг “Руусул-масаил” асари икки ҳукуқий мактаб: ҳанафий ва шофеий мазҳабларини қиёсий ўрганишга бағишлиланган асардир.

Манбаларда қайд этилишича, Маҳмуд Замахшарийдан олдин ҳам баъзи муаллифлар, хусусан, фиқҳ соҳаси бўйича қалам тебратганлар “Руусул-масаил” номи билан асарлар таълиф этганлар. “Кашфуз-зунун” асарида келтирилишича, Абул-Фатҳ Салим ибн Айюб ар-Розий⁸нинг (447/1055 йилда туғилган) “Руусул-масаил” номли фиқҳий асари бўлган⁹. Абулҳасан ал-Муҳомилийнинг (415/1024 ҳижрий йилда туғилган) ҳам айни шу номдаги асари бўлиб, унда фиқҳий масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва далилларини зикр этилган. Лекин Замахшарий таълиф этган “Руусул-масаил” исломдаги мазҳабларга оид масалаларни қиёсий усулда ёритгани, муҳтасар ифода усули қўлланилгани, тушуниш учун осон ва равон тилда ёзилгани каби омиллар сабабли шу ном остида ёзилган бошқа асарлардан кўра кўпроқ шуҳрат қозонди ва “илмул-хилоф”, яъни қиёсий фиқҳшунослик борасида муҳтасар усулида ёзилган асарлар орасида пешқадами бўлди¹⁰.

Масалаларни қисқа ва лўнда баён қилиш усули фиқҳ илмида қўлланилади ва бундай “муҳтасар” усулдан Маҳмуд Замахшарийнинг таъсирлангани сезилади. Муҳтасар усулининг қўлланилиш сабаби таълим, яъни ўқувчилар ўзлаштириши ва эсда сақлаб қолиши осон бўлиши учундир. Бинобарин, асарнинг асосий мавзуси ҳам ҳанафий ва шофеий мазҳабларига тегишли муҳим фиқҳий масалаларни қисқа ва аниқ тарзда ёритиб беришдир.

«Руусул-масаил» қиёсий услубда ёзилган ва муаллиф бир масалада иккита, айрим ҳолларда учта мазҳаб қарашларини келтирган. Асар Замахшарийнинг нафақат бир фиқҳий мазҳабга оид, балки бошқа мазҳабларга ҳам тегишли бўлган масалаларни чукур билганини кўрсатади. Аллома ҳар бир мазҳаб масаласини келтириш билан бирга унинг далилини ҳам қайд этади.

Маҳмуд Замахшарий фиқҳда ҳанафий мазҳаби вакили экани манбаларда ўз ифодасини топган. XI-XII асрларда Хоразмда шаръий масалаларда ҳанафий мазҳаби устувор мақомга эга эди. Минтақанинг муайян шаҳарларида, хусусан, Хивада шофеий мазҳабига эргашувчилар ҳам топилар эди. Замахшарий фиқҳ борасида ҳанафий

⁸ <https://www.alukah.net/library/0/135234>

⁹ Абул-фатҳ Салим ибн Айюб ар-Розий. Руус ал-масаил ал-мухталифа фийҳа.

<https://almoqtabas.com/ar/manuscripts/view/26910118868184524>

¹⁰ Маҳмуд Замахшарий. Руус ал-масаил ал-хилафия байна ал-ҳанафия ваш-шафиия. Нашрга тайёрловчи доктор Абдуллоҳ Назир Аҳмад. –Байрут: Дар ал-башаир ал-исламия, 1987. –Б.58



устозлардан таълим олди. Ўзининг шоҳ асари “Ал-Кашшаф” тафсирида¹¹, шунингдек, ҳадисга оид “Ал-фаиқ фий ғарийб ал-ҳадис”¹²да ҳамда “Руус ал-масаил”да ҳанафийлик таълимоти ҳақида маълумотлар қолдирди.

“Мухталаф ар-ривоя”¹³ асарида Абуллайс Самарқандий тўрт мазҳаб орасида ихтилофли бўлган масалани очиб берган. Уларнинг орасида ҳанафий ва шофеийларга тааллуқлisisи эди. Абузайд Дабусий “Таъсис ан-назар” асарида мазҳаблар орасида ихтилофли бўлган та масалани очиб берган¹⁴. Уларнинг орасида ҳанафий ва шофеий мазҳаблари орасида фарқли бўлгандари та эди.

Уч китобда уч хил ёндашув кузатилди. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, “Мухталаф ар-ривоя” соҳиби барча масалаларни қамрашга ҳаракат қилган ва бу ишни муайян маънода уддасидан чиқсан. Таъсисун-назар қиёсий ҳуқуқшуносикда дастлабки асар ҳисоблангани учун, у мазҳаблар орасида ихтилофли бўлган машхур мисоллар билан чекланган. “Руусул-масаил” соҳиби ёндашувда бу икки асар орасида ўртacha йўлни тутган. Замахшарийнинг ўртacha йўл тутгани асарнинг кўпчилик томонидан мақбул бўлишига сабаб бўлди. “Мухталаф ар-ривоя” ҳажман кенг асар бўлгани учун уни ўрганиш кўп вақт талаб этади. “Таъсисун-назар” дастлабки асар бўлгани учун ундаги масалалар адади ўқувчини қониқтирмаслиги мумкин. “Руусул-масаил” ҳажман ўртacha ва икки мазҳаб ўртасидаги муҳим масалаларни қамраб олгани қиёсий ҳуқуқшунослик тадқиқотчисига қулайлик туғдиради.

Иккинчидан, ислом ҳуқуқшунослиги, исломдаги мазҳаблар тарихи билан шуғулланган мутахассислар ҳуқуқий мактаблар ва мазҳабларни иккига ажратишга интилиб келганлар. Уларнинг фикрича, фиқҳий мазҳаблар иккига бўлинади: 1. Аҳли ҳадис мактаби. 2. Аҳли раъӣ мактаби. Аҳли ҳадис мактабига: шофеий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблари, Аҳли раъӣ мактабига эса ҳанафий мазҳаби киради, дейдилар¹⁵. Улар ўз фикрларини аҳли ҳадис мактаби кўпроқ ҳадисга, аҳли раъӣ мактаби эса кўпроқ ижтиҳодга таяниши билан асосламоқчи бўлалилар. Бундай ёндашув, яъни, фиқҳий мазҳабларни мактабга ажратиш айни пайтгача баҳслидир. Сабаби, бу ёндашувнинг таг замирида араб ва ажам ихтилофи ётади, деган фикрга бориш ўринли. Ислом таълимотида миллатга қараб ажратиш қатъий ман қилинган бўлса-да, амалда араб ва араб бўлмаганлар орасидаги муносабат йиллар давомида бир текисда кечмаганини кузатиш мумкин. XX асрда авжига чиқсан ислом номидан иш юритувчи турли оқимлар фаолиятининг авж олишини ҳам мазкур омил билан изоҳлаш мумкин.

Тан олиш керак, фиқҳий мазҳабларни икки мактабга ажратиш ҳамон ислом ҳуқуқига оид адабиётларда учрамоқда. Маҳмуд Замахшарийнинг “Руусул-масаил” асарига бўлган эътиборнинг кенг қамровлиги айни жиҳат билан изоҳланади. Айрим замахшарийшунослар эътирофича, Замахшарий асарида икки мактаб: аҳли ҳадис ва аҳли раъӣ қарашлари муваффақиятли қиёсланган.

¹¹ Маҳмуд Замахшарий. Ал-Кашшаф ҳақоиқ ғавомиз ат-танзил ва уюн ал-ақовийл фмий вужуҳ ат-таъвил. –Риёз: Мактаба ал-абийкон, 2013.

¹² Маҳмуд Замахшарий. Ал-фаиқ фий ғарийб ал-ҳадис. –Қоҳира: Матбаа Иса Баб ал-Ҳалабий, 1971.

¹³ Абул-Лайс Самарқандий. Мухталаф ар-ривоя. –Риёз: Мактаба ар-рушд, 2005.

¹⁴ Абу Зайд ад-Дабусий. Таъсис ан-назар. –Байрут: Дар ибн зайлун, 2009.

¹⁵ Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқи, ҳанафий мазҳаби ва йўта Осиёлик фақиҳлар. –Т: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002. –Б.96.



Учинчидан, ҳар бир асар ўз давридаги ижтимоий муносабатларни муайян даражада акс эттиради. “Мухталаф ар-ривоя”¹⁶ кенг қамровли. У ислом оламидаги мазҳабларнинг қаравшларини ифода эттирган асар. Таъсис ан-назар Бухорода ҳанафийлик устувор бўлган пайтда ёзилган. Руусул-масаил ёзилаётган пайтда Хоразмда ҳам ҳанафий, ҳам шофеий мазҳаби вакиллари бўлган. Маҳмуд Замахшарий ўз асарида ҳанафийликка устуворлик бергани Хоразмшоҳлар даврида ҳанафийлик вакилларининг мавқенини кўрсатиб беради. Кейинчалик, минтақада айнан ҳанафийлик сақланиб қолиши, ривожланиши ва ёйилишида айнан “Руусул-масаил” каби ҳанафийликка устуворлик берган асарларнинг ёзилиши сабаб бўлган мазмунидаги фикр мантиқийдир.

Қиёсий ҳуқуқшуносликка оид “Руус ал-масаил” ҳанафий ва шофеий мазҳаблари ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этиши билан бирга Маҳмуд Замахшарийнинг ислом ҳуқуқига оид масалаларда қўллаган услублари ва ёндашувларини очиб беришда муҳим асос бўлади.

Алломанинг “Руусул-масаил” асари ҳақида қуйидаги фикрларни таъкидлаш жоиз: “Руусул-масаил”нинг мазҳабларни қиёсий ўрганиш бўйича муҳим экани борасида қуйидаги хulosаларни чиқариш ўринли:

1. Замахшарийнинг фикҳ, яъни ислом ҳуқуқи борасидаги салоҳиятини кўрсатувчи ягона асари;
2. Замахшарийнинг исломдаги мазҳаб ва йўналишларга муносабатини белгилашда беназирдир;
3. Исломдаги мазҳабларни қиёсий ўрганиш бўйича ёзилган бошқа асарлар орасида ўзига хос ўрин эгаллаган.
4. Асарда зикр қилинган масалалар ҳанафий ва шофеий мазҳабларига қиёсий ёндашувни таъминлайди.
5. Асар ҳанафий мазҳабининг нисбатан бағрикенг эканини асослашда муҳимдир.
6. Асар ҳанафий мазҳабида бола ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор берилганини намоён қиласди.

Бинобарин, “Руусул-масаил” асарини қиёсий фикҳшунослик, қиёсий диншуносликнинг муҳим манбаларидан бири дейишга тўла асос бор. Айни вақтда, “Руусул-масаил”да келтирилган масалалар ўзининг долзарблиги, пухта асослангани, жавоблари аниқлиги ва изчиллиги билан муҳим аҳамият касб этади.

¹⁶ Абул-Лайс Самарқандий. Мұхталаф ар-ривоя. –Риёз: Мактаба ар-рушд, 2005.